

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ВА ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.V/Qx.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун
№__ нусха

МАМАДУЛЛАЕВ ГУЛМУРОД ХАМИДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХҲУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИ ТУБЕРКУЛЁЗИГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси,
эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси
ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Мамадуллаев Гулмурод Хамидович Қишлоқ ҳўжалиқ ҳайвонлари туберкулёзига қарши курашишнинг илмий асослари.....	3
Мамадуллаев Гулмурод Хамидович Научные основы борьбы с туберкулёзом сельскохозяйственных животных.....	27
Mamadullaev Gulmurod Khamidovich Scientific basis against tuberculosis of farm animals.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

Самарқанд вет - медицинаси АРМ 2с
DSc. 27.06.2017. V/Qx.12.01 рақамли илмий
Кенгаш илмий кенгаш А.С. Домингов

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ВА ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.V/Qx.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

15.07.2018

Хизматда фойдаланиш учун
№__ нусха

МАМАДУЛЛАЕВ ГУЛМУРОД ХАМИДОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИ ТУБЕРКУЛЁЗИГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси,
эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси
ва иммунологияси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд 2018
Samarqand Axborot-
resurs markazi
Inv No. 014235/1

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида № В 2017.2DSc/Qx47 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Салимов Хайит Салимович,
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Хамдамов Хабибуло Аблокулович,
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим

Маматова Муборак Нурпулатовна,
ветеринария фанлари доктори, доцент

Вафакулов Садилло,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария
қўмитаси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва Чорвачилик, паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурдаги DSc 27.06.2017. V/Qx 12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «31» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти. Тел. (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: saainfo2@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86

Диссертация автореферати 2018 йил «16» июль куни тарқатилди.
(2018 йил «16» июлдаги №12 рақамли ресстр баенномаси)



Р.Б.Давлатов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, в.ф.д., профессор

А.С.Давидов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, в.ф.д., доцент

Қ.П.Норбосв
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, в.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, ер шарида 2 млрд. нафардан ортик аҳоли микобактериялар билан зарарланган. Ҳар йили 8-10 млн. одам касалланиб, 3 млн. киши нобуд бўлади, шундан 900000 нафари аёллар ва 300000 нафарини болалар ташкил этади. Ҳисоботларга кўра, ҳар ҳафта ичида 57 млн. одам туберкулёздан нобуд бўлар экан. ЖССТ прогнозига кўра, янги асрнинг бошида дунё бўйича 300 млн. одамга бу инфекция юқади, шундан 90 млн. кишида касаллик ривожланади ва 30 млн. киши ҳалок бўлиши мумкин¹.

Дунё миқёсида туберкулёз билан 55 турдан ортик қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари, ёввойи ва муйнали ҳайвонлар ҳамда 25 тур паррандалар касалланади. Инсоният саломатлиги учун асосан туберкулёзнинг *M.tuberculosis* ва *M.bovis* турлари хавф туғдиради. Одамлар туберкулёзнинг қорамол тури билан асосан хом сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек касал қорамол билан доимий контакт орқали касалликни юктириб олишади. Туберкулёзнинг қорамол тури қўзғатувчисини одамлар организмидан 1-35 фойзгача ажратилиши мумкин. Дунё бўйича бир йилда чорвачиликка туберкулёздан 2 млн. АКШ доллари миқдорида иктисодий зарар келтирилмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида инсон ва ҳайвонот олами учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган туберкулёз касаллигига қарши ветеринария соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ушбу касалликнинг эпизоотик ҳолати кескин камайишига эришилди. Бу борада ушбу инфекциянинг асосий манбаи ҳисобланган латент микробизм туфайли қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг энизоотологияси, профилактикаси, диагностикаси ва қарши курашишга қаратилган махсус тадбирларга етарлича эътибор берилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «чорвачиликни жадал ривожлантириш борасида ҳайвонларнинг хавfli юқумли касалликлари эпизоотиясига қарши самарали кураш» чора-тадбирлари бўйича алоҳида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда туберкулёз инфекциясига қарши курашиш, диагностикаси, кимёвий ва махсус вакцинапрофилактикаси учун зарур воситалар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308, 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842 ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-24/60 –сон, «2016-2020 йилларда қишлоқ ҳўжалигини янада ислох қилиш

¹ (О состоянии противотуберкулёзной работы в Республике Узбекистан за 2000 год и задачи по её совершенствованию/Брошюра Мин Здрав РУз. НИИ Фтизиатрии и пульмонологии им. Ш.А.Алимова// Ташкент 2001, стр. 3.)

ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Ҳозирги даврда бутун дунё олимлари томонидан туберкулёз инфекциясини тадқиқ қилиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг туберкулёзига қарши илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, U.S. Agency For International Development Bureau For Economic Growth Agriculture & Trade (АҚШ), The Department of Animal genology, Branch of biology, N.A. of Science D.P.R.K. (Англия)², Россия экспериментал ветеринария институти (Россия), Санкт-Петербург Давлат тиббий ветеринария академияси (Россия), Ҳайвонлар бруцеллёз ва туберкулёзи институти (Россия), Украина Тиббий ветеринария клиник экспериментал институти (Украина), шунингдек, Қозоғистон ветеринария илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон) ҳамда Ветеринария илмий-тадқиқот институтиларида (Ўзбекистон).

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг эпизоотологияси, диагностикаси, олдини олиш ва қарши курашишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган: замонавий молекуляр биологик тадқиқотлар натижасида туберкулёга қарши ДНК-вакциналар яратилган (U.S. Agency For International Development Bureau For Economic Growth Agriculture & Trade); туберкулёз касаллигининг замонавий тезкор усулларда (ПЗР, ИФА) диагностика қилиш услублари ишлаб чиқилган (The Department of Animal genology, Branch of biology, N.A. of Science D.P.R.K.); диагностика ва касалликни идентификациялаш ҳамда даволаш учун махсус иммун зардоблар, иммуноглобулинлар ва антигенлар, номахсус туберкулин реакцияларига барҳам бериш учун альбумозсиз туберкулинлар, анатоксинлар, ишлаб чиқилган (Бутунроссия экспериментал ветеринария институти); «ПЗР реал вақт» ичида гибридизацион-флуоросцент детекция ёрдамида туберкулёзни барвақт диагностикаси ишлаб чиқилган (Украина экспериментал клиник ветеринария медицинаси институти); қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг диагностикаси, қарши курашиш учун кимёвий ва вакцинапрофилактика услублари ишлаб чиқилган (Қозоғистон); модификацияланган антибиотиклар ҳамда комбинацияланган туберкулостатиклар комплекслари қўллаш ёрдамида туберкулёз бўйича

² <http://www.medpulse.ru/health/yourhealth/medicalachievements/17766.html>

носоғлом сут товар фермаларини соғломлаштириш услублари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунёда туберкулёз касаллигининг олдини олиш, тезкор аниқлаш ва самарали қарши кураш чора-тадбирлари бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: туберкулёзга эрта диагностика қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, ветеринария амалиётига жорий этиш қулай бўлган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий молекуляр биология ютуқларидан фойдаланиб самарадорлиги юқори бўлган ДНК вакциналар яратиш, унинг иммуногенлигини ва иммунитет давомийлигини такомиллаштириш, маҳаллий биопрепаратлар комбинацияси орқали резистент штаммларга қарши янги кимёвий махсус олдини олиш ва қарши курашиш услубларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг эпизоотологияси, диагностикаси ва унга қарши кураш чора тадбирларини кимёвий-махсус воситалар ёрдамида такомиллаштириш бўйича А.Б.Ли, Г.В.Ни ва М.Т.Исоқовлар томонидан муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунингдек, дунё микёсида туберкулёзнинг эпизоотологиясини ўрганиш, диагностика қилиш ва унга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича қатор хорижий муаллифлар, жумладан, E.V.Agger, G.Delogu, D.Souza, V.Rosseels, M.A.Espinal, H.H.Fox, J.Hess, K.Kato, K.I.Yamamoto, U.Palendira, A.T.Kamath, Ю.К.Вейсфейлер, В.П.Шишков ва В.П. Урбан, М.А.Сафин, А.А.Щуревский, Н.П.Овдиенко ва А.Х.Наймановлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва катта аҳамиятга эга бўлган амалий натижаларга эришилган.

Республикамизда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида туберкулёзни тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, эмланган ва касалланган ҳайвонларда бир хил аллергик реакция намоён бўлиши, ППД туберкулин диагностикасининг ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар ўз ечимини тулиқ топгани йўқ. Айниқса, касаллик кўзгатувчисининг қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмга миграция қилиши Ўзбекистон ҳудудида касаллик бўйича эпидемик ва эпизоотик ҳолатнинг мураккаблашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун Республикамизни туберкулёз эпизоотиясидан соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган самарали диагностика ва кимёвий-махсус воситалар комплексини яратиш ва уни такомиллаштириш ҳамда резистент туберкулёз штаммларига қарши маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, янги туберкулостатиклар комплексини яратиш борасида тадқиқотлар олиб бориш долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари мавзулари режасининг 2.6.11.04. «Қорамоллар туберкулёзини кимёвий, махсус олдини

олиш ва ташхис воситаларини такомиллаштириш» (2000–2002 йй.), П.16.2.4. «Хайвонлар туберкулёзини кимёвий ва махсус олдини олиш услуб ва воситаларини такомиллаштириш» (2003–2005 йй.), А-10-156 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида туберкулёзга қарши янги дори воситаси ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ишлаб чиқиш» (2006–2008 йй.), ҚХА-10-007 «Қишлоқ хўжалик хайвонлари туберкулёзининг эпизоотологик мониторинги ва қарши кураш услуб ва воситаларини такомиллаштириш» (2009–2011 йй.), ҚХИ 4-03 «ЭТИС-2 препарати қўллаш ёрдамида қорамоллар туберкулёзига қарши кураш услубини амалиётга жорий этиш» (2012–2013 йй.), ҚХА 8-022-2015 «Республикада қорамоллар туберкулёзи эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий *M. bovis*, *M. tuberculosis* штамmlарининг янги туберкулостатик дориворларга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш» (2015–2017 йй.) ва ҚХИ 5-035-2014 «Хайвонлар туберкулёзининг диагностикаси учун ППД туберкулин препарати ишлаб чиқиш ва Республика ветеринария амалиётига жорий этиш» (2014–2015 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хайвонлар туберкулёзи эпизоотологиясининг ретроспектив таҳлили, диагностикаси, қарши кураш, олдини олиш чоратадбирларининг янги услуб ва воситаларини яратиш ҳамда мавжудларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада қорамоллар туберкулёзининг эпизоотик жараёни динамикасининг ретроспектив таҳлили асосида касалликни бартараф қилишнинг адекват чораларини ишлаб чиқиш;

туберкулёз диагностикаси учун миллий ППД-туберкулин препарати яратиш;

қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратининг тажриба сериясини иммуноген самарадорлигини комиссия тажрибаларда аниқлаш;

ишлаб чиқариш шароитида қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратнинг тажриба сериясини қорамолларда синовдан ўтказиш;

ЭТИС-1 ва ЭТИС-2 препаратлари ёрдамида хайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услубларини такомиллаштириш;

«Тубазид-МАСГК (глицерризин кислотасининг моноаммонийли тузи)», «Биомайрин» ва «Целазон» препаратларининг туберкулёз қўзғатувчиларига туберкулостатик таъсирини аниқлаш;

хайвонлар туберкулёзига қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикада қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом ва шартли соғлом сут товар фермаларидаги 18831 бош қорамол ҳамда лаборатория шароитида тадқиқотлар ўтказилган 172 бош денгиз чўчкаси, 64 бош қуён ва 32 бош ок сичқонлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети денгиз чўчкалари, қуёнлар, оқ сичқонлар ва қорамолларнинг ички аъзолари, тўқима хужайралари, аллергик реакциялар, бактериологик текшириш натижасида ажратилган штаммлар, вакциналар, қарши кураш ва даволаш учун кимёпрофилактик препаратлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларни ўтказиш жараёнида умумқабул қилинган эпизоотологик, клиник, серологик, аллергик, микроскопик, культурал, бактериологик, патологоанатомик, гистологик, вариацион ва корреляцион услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

илк бор Республикада қорамоллар туберкулёзининг эпизоотик ҳолати ретроспектив таҳлил қилиниб, ўтказилган мониторинг натижасида қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғломлик даражаси мамлакатимизда кескин камайишига эришилган;

хайвонлар туберкулёзининг диагностикаси учун миллий ППД туберкулин диагностиками яратилган;

хайвонлар туберкулёзининг диагностикаси бўйича Ўуриқнома ишлаб чиқилган;

қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратининг тажриба серияси яратилган;

ЭТИС-1 ва ЭТИС-2 препаратлари ёрдамида қорамоллар туберкулёзига қарши кураш ва кимёвий профилактика қилиш услублари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Республикада қорамоллар туберкулёзининг эпизоотологияси ретроспектив таҳлил қилинган ва уни яхшилаш бўйича тавсиялар берилган;

хайвонлар туберкулёзининг олдини олиш ва қарши кураш ҳақида Ўуриқнома ишлаб чиқилган ва Республика ветеринария амалиётига жорий этилган;

хайвонлар туберкулёзининг аллергик диагностикаси учун ППД туберкулин диагностиками ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ушбу диагностика республикамизнинг ППД туберкулинга бўлган талабини тўлиқ таъминлайди ва импорт ўрнини босувчи препарат бўлиб, ҳар йили республиканинг диагностика ум учун сарфланадиган маблағини тежаш имконини берган;

иммуноген самарадорликка эга бўлган қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препарати яратилган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган;

ЭТИС-1 ва ЭТИС-2 препаратлари ёрдамида кимёвий профилактика қилиш услубларининг жорий этилиши натижасида Республика бўйича 17917 бош қорамоллар туберкулёздан муҳофаза қилинган;

Республикамиз олимлари билан ҳамкорликда туберкулёз қўзғатувчиларининг резистент штамmlарига қарши қарши янги комплексли бирикма – «Тубазид МАСГК», «Биомайрин» ва «Целозан» препаратлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Изланишларнинг

замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, эпизоотологик, клиник, аллергик, серологик, бактериологик, патологоанатомик, гистологик ва статистика услубларидан фойдаланиши ва бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, шунингдек, лаборатория ва дала тажрибаларининг далолатномаларига асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолашганлиги ва изланиш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳайвонлар туберкулёзининг олдини олиш ва қарши курашишда туберкулёз эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятларининг ретроспектив таҳлили, шу асосда касалликнинг тарқалиш тенденциясини прогностлаштириш ҳамда уни бартараф қилишга қаратилган илмий асосланган чора тadbирлар яратилиши, маҳаллий хом ашё асосида туберкулёзга қарши кимёвий-махсус воситалар яратиш назарияси асосида «Қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препарат», полимерланган «Тубазид-МАСКГ», «Биомайрин» ва «Целазон» препаратларининг яратилиши келажакда резистент микобактерия штамmlарига қарши курашиш амалиётида самарадор восита бўлиб хизмат қилиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Сут эмизувчи ҳайвонлар туберкулёзининг диагностикаси учун ППД туберкулин» препаратининг ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши туберкулёзга қарши кураш чора тadbирларнинг самарадорлигини оширишга, кимёвий ва махсус воситалар асосида қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препарат, «ЭТИС-1» ва «ЭТИС-2» препаратлари ёрдамида кимёпрофилактика услублари яратилиши ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида 17917 бошдан ортиқ қорамолларни туберкулёз инфекциясидан сақлаб қолишга ва чорвачиликда кутиладиган катта иқтисодий зарарнинг олдини олиш имконини берган. Шунинг билан биргаликда бундай илмий асосланган комплекс профилактик тadbирларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти бекиёсдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзига қарши курашишнинг илмий асослари бўйича олиб борилган илмий тadbиқотлар натижалари асосида:

сут эмизувчи ҳайвонлар туберкулёзининг диагностикаси учун ППД туберкулин препарати яратилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2015 йил 30 декабрдаги № 003710-сон баённомаси). Натижада туберкулёзни диагностика қилиш орқали ҳайвонларнинг ушбу касаллик билан касалланиши сезиларли даражада камайишига эришилган;

«Қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратини амалиётда қўлланилиши» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ва

тасдиқланган (Давлат ветеринария қўмитасининг 1998 йил 28 августдаги 9-сон маълумотномаси). Натижада антиген-адъювант препаратининг амалиётга жорий қилиниши эвазига 535 бош қорамолларни туберкулёздан ҳимоя қилган;

қорамоллар туберкулёзига қарши ЭТИС-1 препарати яратилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 1991 йил 21 майдаги 21-сон маълумотномаси). Натижада Республиканинг турли вилоятларидаги 31 та туберкулёз бўйича носоғлом сут товар фермаларидаги 14599 бош қорамол касалликдан асраб қолинган ва битта соғломлаштирилган хўжалиқдаги иқтисодий самарадорлик ўртача 157,3 минг сўмни ташкил этган;

республикада қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом фермаларни соғломлаштириш учун ЭТИС-2 препарати яратилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2014 йил 12 апрелдаги 04-сон маълумотномаси). Натижада сут товар фермаларида 3318 бошдан ортиқ қорамол туберкулёздан соғломлаштирилган ва сарфланган 1 сўм харажатга 8 сўм иқтисодий самарадорлик олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг анробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 24 та, жумладан, 16 та республика ва 8 та хорижий журналларда чоп этилган. 2 та Ташкилот стандарти-Тs ва 3 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиқ ҳайвонлари туберкулёзига қарши курашнинг илмий асослари» деб номланган биринчи бобида ҳайвонлар туберкулёзининг юқумлилиги, ижтимоий ва иқтисодий муаммолик даражаси, туберкулёзда аллергик реакция мезонлари ва диагностикаларнинг махсус фаоллиги, ҳайвонлар туберкулёзининг махсус

олдини олиш воситалари, туберкулёзга қарши кураш чора-тадбирлар тизимида кимёвий доривор воситалар қўллаш услуби ёрдамида касалликка қарши кураш ва олдини олиш ҳамда полирезистент туберкулёз штаммларининг молекуляр генетик тавсифи туғрисида хорижий давлатлар ва республика олимлари илмий ишларининг натижаларининг қисқача тахлили келтирилган.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача туберкулёзга қарши объектив равишда ўтказиладиган чора-тадбирлар эпизоотик жараёнининг кечишига кўра, ноадекватлиги, алергик реакциялар мезонлари, касалликни махсус воситалар қўллаш орқали профилактикаси, кимёвий воситалар ёрдамида профилактикаси, туберкулёзга қарши қўлланиладиган препаратларга нисбатан моно-, би- ва полирезистент микобактерия штаммларининг ортиб бораётганлиги каби жабҳалари тиббиёт ва ветеринария фанида хануз муаммолигича қолмоқда.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқотларнинг объекти ва ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг туберкулёзни ўрганиш лабораторияси ҳамда Республика чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи бўйича шартли соғлом ва носоғлом сут товар фермаларидаги қорамоллар танлаб олинган.

1990–2015 йиллар давомида республика бўйича қорамоллар туберкулёзининг эпизоотологияси, лабораторияда яратилган касалликни алергик диагностикаси учун ППД туберкулин препарати, қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адъювант препарат, кимёвий воситалар мажмуасидан тузилган воситалар яратиш, шунингдек, резистент туберкулёз кўзғатувчиларига қарши янги туберкулостатик воситалар ишлаб чиқиш орқали самарали қарши кураш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида қорамоллар туберкулёзи бўйича 1990–2015 йиллардаги эпизоотик ҳолат тахлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотик вазият 1988–2000 йиллар даврида касалликнинг тарқалиш даражаси бирмунча мураккаб бўлган. 2001–2002 йиллардан бошлаб эпизоотик вазият бирмунча стабиллашган ва туберкулёз бўйича носоғлом пунктлар сони минимум даражагача камайган.

Жумладан, 1990 йилда 104, 1991 йилда 70 ва 1992 йилда 19 та қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом пункт қайд қилинган. 1993–1994 йилларда касаллик бўйича эпизоотик вазият бирмунча пасайган бўлсада, 1995 йилда Республикада яна 71 та қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом пункт аниқланган. 1996 йилда носоғлом пунктларнинг сони яна 2 тага кўпайди. Касалликка қарши ўтказилган чора тадбирлар туфайли 1997 йилда 32 та ва 1998 йилда ҳам 32 та носоғлом пункт соғломлаштирилган. 1999 йилда 12 та ва 2000 йилда 8 та қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом

пункт қайд этилган. Үтказилган касалликка қарши чора-тадбирлардан сўнг Республикада 2001 йилда 2 носоғлом пункт қолган. 2001 ва 2015 йиллар даврида қорамоллар туберкулёзи бўйича 1–2 носоғлом пункт қайд этиб келинган, касаллик бўйича носоғломлилик кескин камайган ва соғломлилик даражаси стабиллашган.

1988–1990 йиллар давомида республикамизга чет давлатлардан қарийиб 50 минг бош ва 2008–2015 йилларда 60 минг бошдан ортик насли моллар келтирилган. Ушбу насли моллар билан биргаликда туберкулёз билан касалланганлари ҳам тасодифан келиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, касал молларни сўйилишидан 1988–1990 йилларда қорамоллар туберкулёзидан Тошкент вилояти 1,5 млн. сўм, Қорақалпоғистон Республикаси 2,7 млн. сўм, Самарқанд вилояти 10 млн. сўм иқтисодий зарар кўрган (1990 йил нархларида).

Шундай қилиб, эпизоотик вазият ва статистик маълумотларга кўра, охирга 15 йил ичида республика чорвачилик хўжаликлари фермаларида туберкулёз касаллигининг эпизоотик ҳолати олдинги йилларга нисбатан яхшилансада, айрим соғлом, деб ҳисобланган хўжаликларда касалликка чалинган қорамоллар мавжудлигини эътироф этиш ўринлидир. Бундан ташқари табиатда латент микробизм омили ҳам мавжуд, айрим ҳудудларда дезинфекцияловчи воситалар, диагностиканинг етишмаслиги муаммони янада мушкуллаштириши мумкин.

Республикада туберкулёзга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш учун аввалом барча вилоятларда туберкулёз инфекцияси кўрсаткичларини, носоғлом ўчоқлар коэффициентларини, касалланиш индексини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, 1997 йилда Самарқанд вилояти бўйича касаллик кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$K_k = (A \times 100) : B = \%$$

1997 йилда ўртача бир ой давомида 89 бош туберкулёз билан касалланган мол аниқланган ($A=89$); 10 ой давомида 407 бош бошқа тур касалликлар аниқланган, шу жумладан кутуриш – 360, лейкоз – 43, бруцеллёз – 4 ($B=407$),

Касаллик кўрсаткичи:

$$K_k = (89 \times 100) : 407 = 22 \text{ фоизни ташкил қилган.}$$

Носоғломлик кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$N = (N_n \times 100) : B = \%$$

27 - туберкулёз бўйича носоғлом пунктлар; 400 - Самарқанд вилоятидаги аҳоли пунктлари сони ($B=400$);

$$N = (27 \times 100) : 400 = 6,7 \text{ фоизга тенг бўлди.}$$

Касалланиш индекси қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$K_i = (A \times 100) : B = \%$$

89- туберкулёз билан касалланган моллар бош сони ($A=89$); 75000 – Самарқанд вилоятида жамоага қарашли ҳайвонларнинг йил бўйича ўртача сони ($B=75000$);

$K_i = (89 \times 100) : 75000 = 0,1$ фоизни ташкил этган.

Келтирилган маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида туберкулёз касаллиги кўрсаткичи фақат уч тур касалликка нисбатан 22 фоизни ташкил қилди, носогломлик кўрсаткичи 6,7% ва касалланиш индекси 0,1 фоизни ташкил қилди.

Эпизоотик ва эпидемиологик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, касаллик бутун дунёда ва шу жумладан республикамизда ҳам қийин вазиятни келтириб чиқариши мумкин ва унинг ечимини топиш ҳозирги кунда олим ва мутахассислар олдида энг фаол муамолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳайвонлар туберкулёзининг аллергик диагностикаси учун ППД туберкулин препарати ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. Туберкулин тайёрлаш регламенти бўйича диагностикам ишлаб чиқилди ва унинг биологик параметрлари тадқиқ қилинди. Тадқиқотларда ишлаб чиқарилган туберкулин диагностикасининг стериллиги, токсик таъсири йўқлиги, безарарлиги, ареактогенлиги ва сенсibiliзациялаш хусусияти йўқлиги аниқланди. ППД туберкулиннинг махсус фаоллиги альбинос денгиз чўчкалари организмда аниқланди. Текшириш натижасига кўра, ППД туберкулин 49000 ТБ махсус фаоллик кўрсаткичига эга бўлди. Бу кўрсаткич Ts-23516953-07:2015 Ташкилот стандарти (Ts) талабларига жавоб беради. ППД туберкулин диагностикасини ветеринария амалиётига жорий этиш ишлари Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Атамирзасев А. номли фермер хўжалиги сут товар фермасида 22 бош ва «Глобал-Агро Омад» номли фермер хўжалиги сут товар фермасида 25 бош қорамолда амалга оширилди. Туберкулиннинг махсус фаоллигини солиштириш учун «Туберкулин очищенный (ППД) для млекопитающих в стандартном разведении» дан фойдаланилди. (ФГУП «Курск биофабрикаси» Россия 2014 й. ишлаб чиқарилган, Серия№14). Текширишлар мутахассислар назорати остида ўтказилди.

Текшириш натижасида ҳар бир фермадан қорамолларда ишончли статистик ижобий аллергик реакция аниқланди.

Ишлаб чиқариш шароитидаги комиссия синовларда ППД туберкулин диагностикаси 0,2 мл 10000 ТБ дозада касалликни аниқлашда ижобий махсус фаоллик кўрсатди ва ташкилот стандарти (Ts) талабларига жавоб берди.

Шундай қилиб, ППД туберкулин препаратининг махсус фаоллигини лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида қорамолларда туберкулёзни аниқлаш натижаси шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган диагностикасини Республика ветеринария амалиётига жорий этиш мумкинлиги ҳақида ҳулоса қилинди.

Қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратининг иммуноген самарадорлигини комиссия тажрибаларидаги натижалари. Қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препарат суспензия шаклида бўлиб, термик усул билан фаосизлантилган микобактерия штамми ва туберкулостатик препаратлар мажмуасидан иборат. Препаратнинг иммуноген самарадорлиги лаборатория шароитида денгиз

чўчкалари, куёнлар, бузоқлар ва паррандаларда синовдан ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида антиген-адьювант препарат ижобий иммуноген самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

Препаратнинг қорамоллар организмида иммуноген самарадорлигини аниқлаш мақсадида комиссия тажрибалар ўтказиш учун Ветеринария илмий-тадқиқот институтнинг 24.10.1995 йилдаги №61 буйруғига мувофиқ, етакчи олим-мутахассислардан иборат алоҳида ҳайъат гуруҳи тузилди. Комиссия тажрибалар Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги сут товар фермасида ўтказилди. 18 бош бузоқлар 100 кг тирик вазнга 5 мл. миқдорда тери остидан препарат билан эмланди. Эмлангандан сўнг 10 ой ўтгач, 9 бош бузоқ институт титражниқига олиб келинди. Қолган 9 бош қорамол поствакцинал аллергия реакцияни кузатиш учун хўжалиқда қолдирилди.

Аллергия текширишларда 1 йил давомида эмланган бузоқлар организмида ППД-туберкулинга нисбатан ижобий реакция қайд қилинди. Антигенга нисбатан ҳайвонларнинг сенсибилизацияланганлиги бир йил давомида мунтазам сақланиб турди. Серологик (КБР) текширишларда эмланган бузоқлар қон зардобиди 1:20 диагностика титрда бир йил давомида қомплементни бириктирувчи антителолар аниқланмади. 12-ойга келиб тажрибадаги 6 бош эмланган ва назорат сифатида 3 бош эмланмаган бузоқлар вирулент туберкулёз микобактериялари (bovis №8 ва bovis №149) билан ўн қаррали дозада (0,1 мг/кг) миқдорда оғиз бўшлиғи орқали юқтирилди. Бузоқлар юқтирилгандан сўнг 4 ой давомида клиник кузатувларда 6 бош эмланган бузоқлар организмида туберкулёзга хос белгилар аниқланмади. 3-назорат гуруҳида ўсишдан орқада қолиш, ўта ариқлаб кетиш, суст ҳаракат, кўз қосасининг тортилиши, чот олди лимфа тугунининг бир оз қатталлаши кузатилди.

Серологик текширишларда юқтирилгандан кейин ҳайвонлар қон зардобиди қомплементни бириктирувчи антителолар 1-ойга келиб 1:20 диагностика титрда топилмаган бўлса-да, 2-ойда тажриба ва назорат гуруҳида бир хилда ижобий реакция олинди. Бундай кўрсаткичлар тажриба охиригача сақланиб турди.

Тажриба муддати тугагач, тажриба ва назорат гуруҳи ҳайвонлари кейинги патологоанатомик, гистологик ва бактериологик тадқиқотлар учун мажбуран сўйилди.

Патологоанатомик ва гистологик текширишларда тажриба гуруҳидаги 6 бош эмланган бузоқлар организмида туберкулёзга хос патологик ўзгаришлар топилмади. Назорат гуруҳидаги барча бузоқларнинг жағ ости, ҳалқум орти ва мезентериал лимфа тугунларида туберкулёзга хос майда казеоз-некроз бузилиш аниқланди.

Тажриба ҳайвонлари ички-аъзоларини бактериологик текширишда эмланган моллардан бир бошда, назорат гуруҳидаги барча моллар ички аъзолари намуналаридан туберкулёз қўзғатувчиси ажратилди.

6 бош тажриба (эмланган) ва 3 бош назорат гуруҳлари ҳайвонлари ички

аъзоларидан олинган патологик намуналарни биосинов ёрдамида 27 бош денгиз чўчкаларида ўрганиш давом эттирилди. Барча денгиз чўчкалари тажриба ва назорат гуруҳларидаги бузоқларнинг патологик намунаси суспензияси билан юктирилди.

Эмланган қорамоллар суспензияси юборилган денгиз чўчкаларида фақат бир бош қорамол (№08314) патологик материали суспензиясидан юктирилган денгиз чўчкаларида туберкулёз тасдиқланди. Қолган денгиз чўчкалари ички аъзоларида ҳеч қандай туберкулёзга хос патологик ўзгариш содир бўлмади. Назорат гуруҳидаги барча денгиз чўчкаларининг ички аъзолари: ўпка, жигар ва талоғи туберкулёзнинг тарқалган шаклидан бузилганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, яратилган қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препарат етарли даражада иммуноген хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Иммунитет турғунлиги 12 ойдан сўнг 83 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқариш шароитида қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратнинг махсус олдини олиш самарадорлиги. Қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратнинг иммуногенлик самарадорлигини ишлаб чиқариш шароитидаги синовлари тасдиқланган иш дастури асосида Ўзбекистон Республикаси ҚХСВ хузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси рухсати (30.11.1998 й.) ва Жиззах вилоят ветеринария бошқармасининг (2.12.1998 й. №107-сон) буйруғига мувофиқ Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Қўшчинор» ширкат хўжалиги сут товар фермасида 535 бош швицлаштирилган зотли қорамолларда ўтказилди.

Антиген-адьювант препарат билан эмланган қорамоллар организмда аллергик текширишларда туберкулинга ижобий реакция қайд қилиб борилди. Серологик (КБР) текширишларда фақат икки қарра эмланган моллар организмда комплементни бириктирувчи антителолар 1:20 титрда топилди. Режали равишда сўйилган қорамолларнинг ички-аъзолари ва лимфа тугунларини патологоанатомик, гистологик ва бактериологик текширишларда туберкулёз аниқланмади.

Тадқиқотлар натижасида яратилган препаратнинг етарли даражада иммуноген хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Препаратнинг қорамоллар учун оптимал эмлаш миқдори 5мл/100 кг ни ташкил этди. Препарат эмланган хайвонлар организмда ножа реакциялар кузатилмади.

Эмланган бузоқлар организмда поствакцинал аллергик реакция 4 ойлик интервалда 100% ва 12 ой ўтгач 83% қорамолларда турғунликка эга бўлди.

Ишлаб чиқариш шароитида қорамоллар туберкулёзига қарши антиген-адьювант препаратни тадбиқ этиш эвазига 535 бошдан иборат сут товар фермасидаги қорамолларни талофатсиз касалликдан асраб қолишга эришилди. Фермани соғломлаштириш учун ветеринария конунчилигида берилган қоидаларга қўшимча сифатида тадбиқ этилган антиген-адьювант препарат ижобий натижа берди. Хўжаликда кутилиши мумкин бўлган

иктисодий зарарнинг олди олинди.

ЭТИС-1 препарати ёрдамида хайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуги. Куп йиллик тадқиқотлар натижасида ЭТИС-1 препарати ёрдамида хайвонлар туберкулёзини профилактика қилиш услуги ишлаб чиқилди. ЭТИС-1 препарати қорамоллар туберкулёзининг олдини олиш воситаси бўлиб, туберкулостатик препаратлар мажмуасидан тузилган ва ташқи кўриниши оч-сарик ёки қизғиш рангли суспензия шаклида бўлиб, адьювант сифатида витаминли ўсимлик мойи қўлланилган.

ЭТИС-1 препарати дастлаб кенг камровли лаборатория шароитида *in vitro* ва *in vivo* синовларидан, ишлаб чиқариш шароитида туберкулёз бўйича носоглом хўжаликларда қорамолларда соғломлаштириш самарадорлиги аниқланди ва ижобий натижалар олинган. Олинган натижалар асосида препаратни амалиётда қўллаш бўйича тегишли илмий-техник хужжатлари (қўлланма, йўриқнома, ТШ №10-19-442-87) Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаш томонидан 1991 йил 21 майида тасдиқланган.

ЭТИС-1 препарати ёрдамида соғломлаштириш услуги қўллаш натижасида Республика бўйича 14599 бош қорамолларни туберкулёздан сақлаб қолишга эришилган (жадвал 1).

1-жадвал

ЭТИС-1 препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услугининг иктисодий самарадорлиги (1992 йил нархлари)

№	Кўрсаткичлар	Соғломлаштириш услублари		
		Ветеринария санитария	Тубазид химиопротифактикаси	ЭТИС-1
1	Хўжаликлар сон	254	5	31
2	Соғломлаштириш муддатлари, ой	22	19	9
3	Соғломлаштириш даврида 1 бош мол учун иктисодий зарар, сўм	270	233,2	110,4
4	1 бош молга ветеринария тадбирларининг таннарихи, сўм. Жумладан 1. Аллергик текширишлар	1,9	1,7	0,7
	2. Дезинфекция ва санитар таъмирлаш	52,3	45,1	21,4
	3. Сутни зарарсизлаштириш	12,2	10,6	5,5
	4. Кимёпрофилактика	0	18,05	1,8
	Жами	66,4	57,4	29,7
5	1 бош молга иктисодий самарадорлик, сўм	-	45,8	196,6
6	Битта соғломлаштирилган хўжаликка иктисодий самарадорлик (минг сўм)		36,6	157,3

State Civil Axborot-resurs markazi
Inv № 14235/1

I-жадвал тахлилига кўра, корамоллар туберкулёзини ЭТИС-1 препарати ёрдамида соғломлаштириш услубини жорий этиш натижасида чорвачилик хўжалигида 157,3 минг сўм миқдорда иктисодий самарадорлик олинган.

ЭТИС-2 препарати ёрдамида хайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуби. Туберкулёзга қарши фармакопоя дориворлари комбинациясидан ташкил топган, пролонгация ва синергетик хусусиятли ЭТИС-2 препарати ишлаб чиқилди. Препарат тайёрлашнинг технологик регламенти тузилди, касалликдан химоя қилиш самараси, оптимал қўллаш дозалари, интервали ва давомийлиги, лаборатория ва хўжалик шароитида корамолларда туберкулёзга қарши курашда самарадорлиги аниқланди.

«Хайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши кураш чора тадбирлари» (Тошкент 1998 й.) бўйича Йуриқномада подада касал моллар бартараф қилингандан кейин қолган шартли соғлом моллар организмни муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган. Ушбу илмий ишланма подада касалланган моллар бартараф қилингандан сўнг, қолган шартли соғлом мол организмни касалликдан химоя қилишга қаратилган.

Препаратнинг самарадорлигини текшириш мақсадидаги тадқиқотларда 20 дона денгиз чўчкачалари 4 бошдан 5 гуруҳга тақсимланди. I-II-III тажриба гуруҳларига ЭТИС-2 ва IV гуруҳга изониазид препарати (самарадорликни қиёслаш учун) қўлланилди. V назорат гуруҳига препарат берилмади. Тажриба, қиёсий ва назорат гуруҳларидаги хайвонлар туберкулёзнинг вирулент эпизоотик *M.bovis* №109 штамми билан 3 қаррали миқдорда (0,03 мг/кг) сон териси остидан юктирилди. Юктирилгандан сўнг орадан 24 кун ўтгач тажриба гуруҳига ЭТИС-2 препарати ҳар 20 кун орасида тери остидан - I гуруҳга 0,25; II гуруҳга 0,50; III гуруҳга 1,0 мл дозала инъекция қилиб борилди. IV гуруҳга изониазид препарати қўлланилди. Тажриба давомида хайвонларга 6 марта ЭТИС-2 препарати юборилди. Денгиз чўчкачаларида ўтказилган тажриба натижасига кўра, препарат қабул қилган тажриба гуруҳи хайвонлари организмда туберкулёз ривожланмади, назорат гуруҳи хайвонлари организмда туберкулёз патологоанатомик, гистологик ва бактериологик тасдиқланди.

ЭТИС-2 препаратининг туберкулёзга қарши самарадорлиги одамлар организмда касаллик чақирувчи *M.tuberculosis* №2520 штамми билан юктирилган 15 бош денгиз чўчкачаларида синовдан ўтказилди. Тажрибалар натижасида ЭТИС-2 препарати туберкулёз микобактерияларининг *M.tuberculosis* №2520 штаммига нисбатан ижобий бактериостатик ва бактерицид самара кўрсатди. Препарат қабул қилган тажриба хайвонлари ички аъзоларида туберкулёз касаллиги ривожланмади ва аксинча, препарат қабул қилмаган назорат гуруҳи хайвонлари ички аъзоларида туберкулёзнинг генерализацияланган шакли намоён бўлди.

ЭТИС-2 препаратининг турли режим ва интервалларда касаллик кўзгатувчисига нисбатан самарадорлигини аниқлаш учун 15 бош куёнларда

тажриба ўтказилди. Тажрибадаги қуёнлар 3 бошдан 5 гуруҳга тақсимланди. Барча тажриба ва назорат гуруҳи қуёнлари 0,03 мг/кг дозада *M.bovis* №149 штамми билан қулоқ венаси орқали юктирилди. Биринчи 3 гуруҳга ЭТИС-2 препарати турли дозада (2,0; 5,0 ва 10,0 мг/кг) қўлланилди, IV гуруҳга киёсий равишда тиббий изониазид препарати (10,0 мг/кг) қўлланилди, V гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, препарат берилмади, фақат юктирилди. Тажриба гуруҳларига препарат ҳар 20 кунда I марта инъекция қилинди.

Тажрибадаги қуёнлар юктирилгандан сўнг 90 кун ўтгач барча тажриба ва назорат гуруҳлари кейинги патологоанатомик ва бактериологик текширувлар учун мажбурий ўлдирилди.

Қуёнларда ўтказилган тажрибалар натижасига қўра, ЭТИС-2 препарати туберкулез микобактерияларининг *M.bovis* №149 штаммига нисбатан ижобий антимикроб самара кўрсатди. Препарат қабул қилган тажриба ҳайвонлари ички-аъзоларида туберкулёз инфекцияси ривожланмади. Препарат қабул қилмаган назорат гуруҳи ҳайвонлари ички-аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган шакли ҳосил бўлди. ЭТИС-2 препарати изониазид препаратига нисбатан касаллик қўзғатувчисига нисбатан фаолроқ бактерицид таъсир кўрсатди.

ЭТИС-2 препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услубининг ишлаб чиқариш шароитидаги самарадорлиги. ЭТИС-2 препарати ёрдамида кимёвий профилактика услубини ишлаб чиқариш шароитида жорий этиш Тошкент вилояти ветеринария бошқармасининг 2006 йил 11 августдаги 51-буйруғига мувофиқ Қибрай туманидаги «Шалола Наслли мол тайёрлаш» сўт товар фермасида ўтказилди. Ҳужаликда 185 бош қора ола зотли мол бўлиб, шундан 50 бош сиргир, 40 бош ғунажин, 40 бош эркак тана, 50 бош бузук ва 2 бош уруглантирувчи буқа мавжуд эди. ЭТИС-2 препарати Республика Давлат ветеринария қўмитаси томонидан 2005 йилда тасдиқланган «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини амалиётда қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома»га мувофиқ тадбиқ этилди.

Ҳужалик фермасида туберкулинга реакция берувчи қорамоллар доимий ажратилиб турилган ва касалликдан соғломлаштириш муддати чўзилиб кетган. Шунинг учун фермани туберкулёздан тўлиқ соғломлаштириш учун «ЭТИС-2 препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуби» вақтинчалик қўлланмага мувофиқ (Тошкент 2005) тадбиқ этилди. Фермада ҳудудни механик тозалаш, жорий таъмирлаш, оқлаш, ҳар 10–15 кунда дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари ўтказиб борилди. Озиклантириш раиони кучайтирилди. Ҳар 2 ойда туберкулинизация ўтказилди. ЭТИС-2 препарати ҳар 20 кун орасида бир марта инъекция қилинди. 3 марта инъекция ўтказилгандан сўнг фермада аллергия текширишда ППД туберкулинга реакция берувчи қорамол аниқланмади. Кейинги 3 инъекциядан сўнг ўтказилган туберкулинизацияда моллар орасида туберкулинга ижобий реакция берувчилари аниқланмади. 6 ойлик аллергия назорат текширувида ҳам пода орасида аллергия ижобий

реакция берувчи мол аниқланмади. Шундай қилиб, фермер хўжалигининг чорвачилик фермасини туберкулёз инфекциясидан дахлсизлигини сақлаб қолишга эришилди.

Шу услуб ёрдамида Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 9 хўжалиқда 3318 бош қорамол туберкулёз инфекциясидан талофатсиз сақлаб қолинди. Шунинг учун бу услубни Республика чорвачилик хўжалиқлариغا жорий этилиши туберкулёз инфекциясидан келтириладиган катта иқтисодий ва ижтимоий зарарнинг олдини олишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Туберкулёз бўйича носоғлом хўжалиқда касалликдан келтириладиган иқтисодий зарарнинг микдори «Методика определения экономической эффективности ветеринарных мероприятий (М., 1982 г. стр. 33)» услубий тавсияномаси бўйича аниқланди (жадвал 2).

2-жадвал

№	Келтириладиган зарар тури	Ҳайвон бош сони	Етказиладиган зарар, сўм
1	Касалланган молдан етказиладиган	1	207324
2	Сигирни сўйишдан келтириладиган	1	159502
3	Соғин сигир сути камайишидан	1	153742
4	Вазн камайишидан	1	56628
5	Молни сўйиш	1	116532
6	Туберкулёзга қарши тадбирлар учун	1	551376
	Жами		1245104

ЭТИС-2 препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича аниқланди:

Масалан, 100 бош қорамоли мавжуд фермадан 10 бошда туберкулёз аниқланган вазиятда «Йўриқнома» бўйича соғломлаштириш учун 1 бош молга 1466 сўм сарфланди. ЭТИС-2 препарати ёрдамида 1 курс (120 кун) кимёпрофилактика учун 9600 сўм сарфланди.

Умумий соғломлаштириш учун харажат $1466 + 9600 = 11066$ сўм.

